

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК АДАБИЙ АЛОҚАЛАРИ

Ўринова Дилдора Бекмахматовна

Шахрисабз Давлат Педагогика Институтининг
Хорижий Тиллар кафедраси инглиз тили ўқитувчиси.

АНГЛО-УЗБЕКСКИЕ ЛИТЕРАТУРНЫЕ СВЯЗИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с английско-узбекской отношения, значение его в развитии науки, культуры, экономики.

Ключевые слова: литературные связи, перевод, стиль, произведения.

ENGLISH - UZBEK LITERARY RELATIONS

ABSTRACT

This article discusses issues related to the English-Uzbek relations, its importance in the development of science, culture, and economy.

Keywords: literary relations, translation, style, works.

Инглиз ва ўзбек алоқалари тарихида мустақиллик давридаги адабий алоқалар катта бадий аҳамиятга эга. Инглиз ва ўзбек алоқалари тарихида адабий алоқалар воситаси саналган бадий таржималарни ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки айнан мана шу пайтда инглиз тилидан тўғридан- тўғри таржима кенг тус олди; буларда ўзбек халқи ва менталитетига хос хусусиятлар муқобил тарзда қайта яратилди. Бу адабий ўзгариш таржимашуносларнинг бугунги вазифаларини мазмун жиҳатдан бойитди. Энди уларнинг вазифаси амалга оширилган таржималарни илмий-таҳлил қилиш ва илмий- амалий хулоса ва тавсиялар яратишдан иборат.

Ҳозирги воситасиз таржимага ўтиш ҳаракатлари, кейинги пайтда умид учқунлари аланга олганлигидан далолат беради. Мисол тариқасида Ўзбекистонда хизмат курсатган маданият ходими, моҳир таржимон Амир Файзуллонинг ўзбек тилига ўгирган романлари, шеър ва ҳикояларини. ҳиндчадан “Маҳабҳарат”, “Мирза Ғолиб”, “Рамаяна” каби кўп серияли киноленталарини, шунингдек, араб, инглиз ва форс тилларидан амалга ошираётган кўп таржималарини, Янглиш Эгамовнинг немис тилидан ўгирган роман ва ҳикояларини келтириш мумкин.

Инглиз ижодкорлари асарларининг пайдо бўлишида ҳам ижобий ҳаракатлар кўзга ташланмоқда. Айрим кичик ҳажмдаги шеър ва ҳикоялар, қатор кинофилмлар мухлисларга бевосита таржима ёрдамида тақдим этилмоқда. 1996 йилда Динора Султонованинг бевосита амалга оширган қатор инглиз шоирлари шеърлари таржимаси “Фароғат” номи билан нашр этилди.

Таржимонлар ичида икки тилда ижод қила олувчи ёзувчиларимиз катта қисмини ташкил этади. Ёш моҳир ёзувчимиз Аъзам Обидов инглиз тилидан “Америкадаги мусулмонлар ҳаёти” номли асарни ўзбек тилига воситасиз таржима қилди. Бу ёш истеъдодли ёзувчимиз асарлари таржималари ичида Усмон Носир ва Чулпоннинг инглиз тилига таржима қилган асарлари оламшумул воқеа бўлди; жаҳон адабиёти буюк шоир ва ёзувчиларимиз Усмон Носир ва Чулпон ҳаёти ва ижодиёти билан ошно бўлди. Аъзам Обидов нафақат асар таржималари билан шуғулланади, балки ижод ҳам қилади. Унинг ижодиётида нафақат ўзбек тилидаги асарлар, балки инглиз тилидаги асарлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Бунга унинг инглиз ва ўзбек тилидаги шеърӣ тўплами мисол бўла олади. Ушбу шеърӣ тўпلام 2000 йили “Мўжиза ҳаётда” номи остида ўзбек тилида, “Miracle is on the Way” номи остида инглиз тилида чоп этилди.

Инглиз ва ўзбек адабий алоқалари мустақиллик даврига келиб юқори босқичга кўтарилди. Вужудга келган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар ёш ўзбек адабиёти ва маданиятига нисбатан Буюк Британия ва АҚШ инглиз ёзувчилари диққатини жалб этишларига мажбур этди. Икки тил адабий алоқалари интеграцияси вужудга келди.

Маълумки, инглизларнинг ўзбек тили адабиётига қизиқишлари бир неча ўн йиллик олдин вужудга келган эди. Бундай адабий алоқалар 1948 йили АҚШда нашрдан чиққан “Туркий тилда сўз ясаши” номли китоб билан бошланди. Кейинчалик, инглиз олимлари томонидан “Ўзбек тилининг асосий курси” (А.Раун) китоблари нашрдан чиқарилди. Буларнинг ичида АҚШнинг Индиана университетида дарс бериб келаётган ўзбек олими Х.Исматуллаевнинг 1580 бетли икки жилдли “Ўзбек тили дарслиги” мустақиллик йиллари давомида нашрдан чиқарилди. Нью Йоркнинг Колумбия университети профессори Эдвард Оллвортнинг Станфорд университети нашриётида босилиб чиқарилган 410 бетли “Ҳозирги ўзбеклар” асари 1990 йили нашрдан чиқарилди. Ушбу китоб ўзбек халқи анъаналари, урф-одатлари, маданияти ва адабиёти тўғрисида кўпгина қимматли маълумотларни беради. Эдвард Оллворт ушбу китобда Абдурауф Фитратнинг “Қисмат”(Judgement) ва “Шайтоннинг тангрига исёни”(Devil’s Protest against the God) асарларидан инглиз тилидан парчалар берилди.

2003 йилдан эътиборан Ўзбекистон телевиденияси орқали такрор ва такрор намоёиш этилаётган Япония кино ижодкорларининг “Ошин” номли кўп серияли кинолентаси ўзбекчага инглиз тилидан Хулқар Аъзам томонидан тўғридан-тўғри таржима қилинди, бу бошлаб юборилган ижобий жараённинг меваларидир.

Харвард университети профессори Х.Паксой Ўрта Осиё тарихини ўрганиб, “Туркий халқлар тарихи”(History of Turkish People), “Марказий Осиёнинг янги дostonлари”(New Epics of Middle Asian) асарларини чоп этди. Ушбу асар инглиз халқи ва ҳамжамияти ўзбек маданияти ва адабиёти билан таништиришнинг яна бир қадами эди. Х.Паксой 1994 йили, ўз ичига кўпгина маълумот ва далилларни олган “Марказий Осиё ўқиш китоби” (Middle Asia Readings) асарини нашрдан чиқарди. Ушбу асар ўзбек ёзувчилари ва олимларининг ибратли ва қизиқарли мақолалари билан инглиз ўқувчилари диққатига сазовор бўлди.

АҚШнинг буюк таржимон ёзувчиларидан яна бири Beatris Forbis, унинг тадқиқотларидан эътиборлиси Амир Темур ва Темурийлар давлати ва маданиятига бағишланган эди. Мустақиллик даври меваси бўлган унинг “Amir Temur’s Kingdom and Prosperity”(Амир Темур давлати ва унинг парвози) номли асари Кембридж университети нашриётида чоп этилди.

Ўзбек ва инглиз адабий алоқалари ривожланишига Америка олимлари вакиласи Ilza Laude Sirtautas катта ҳисса қўшган. Ўзининг 40 йилдан ошиқ умрини ўзбек адабиёти ва маданиятини ўрганишга бағишланган ушбу АҚШнинг Вашингтон университети доктори 300 бетли “Uzbek Fairy Tales”(Ўзбек эртаклари) асарини нашрдан чиқарди. Ушбу асар Кенжа Ботир, Қиличқора, Тоҳир ва Зухро, Зорлик ва мунглик, Ғурурли, Жўрабекхон ва бошқа ўзбек эртак қаҳрамонлари тўғрисидаги эртакларни ўз ичига олганди.

Ойбек, Ғафур Еулom, Абдулла Каҳҳор, Саид Аҳмад ва Улмас Умарбеков ҳаёти ва ижодиётига бағишланган Ilza Laudi Sirtautas хонимнинг “Readings in the Uzbek literary language”(узбек адабий тили хростоматияси) асари АҚШнинг университет талабаларига мулжаллаб, 1992 йили нашрдан чиқарилди. Ушбу асар кўпгина мутахассисларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Таъкидлашларича, моҳир олима асарида узбек мақоллари, маталлари, афоризмлари ва бошқа турғун бирикмалар содда ва равон тушунтириб утилган эди. Ушбу асар Ilza Laudi Sirtautas хонимнинг узбек маданиятига нисбатан чуқур меҳри ва ҳурмати меваси эди.

Ilza Laudi Sirtautas хонимнинг мустақиллик даврида яратилган асарлари ичига 1995 йили чоп этилган “Motherland”(Она ватан) асари киради. Ушбу асар 20 дан ортиқ узбек ёзувчиларини уз ичига олади. У дастлаб University Washington Press нашриётида 1995 йил нашрдан чиқди.

Шу билан мамлакатимизда бевосита таржимага утиш кенг миқёсда бошлаб юборилди. Бу саъй- ҳаракат узбек китобхонларининг жаҳон адабиёти дурдоналари намуналари билан батафсилроқ танишишлари учун имконият яратиб бериш бараварида яқин келажакда таҳлил ва тадқиқ учун ҳам шубҳасиз зарурий материал ҳозирламоқда.

Қайд қилиш зарурки, мамлакатимизда кўп асрлик тарихий давр мобайнида жуда катта бадий- адабий, тарихий, ахлокий, фалсафий, илмий, диний асарлар ўзбек тилига ўгирилди. Таржима адабиёти Ватан адабиёти билан ёнма-ён пайдо бўлиб ривожланиб, халқимизнинг ғоявий-эстетик эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Адабий алоқалар ва таржима санъати. Конференция материаллари. Тошкент.1991.
2. Рецкер Ю.И.Теория перевода и переводческая практика. М. 1974.
3. Саломов Ф.Т. Таржима назарияси асослари. Т. 1980.